

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА
МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ”

МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ Тўплами

10 ИЮНЬ 2022 ЙИЛ



ТОШКЕНТ- 2022



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ

К.Р.Насурова
ТМИ таянч докторанти

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида таълим тизими иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш жараёнида инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш элементларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борадаги ислохотлар самарадорлиги таълим тизимининг бошланғич бугуни ҳисобланган мактабгача таълим тизимига бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш, бу борада ислохотлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «...боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади. Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади»[1].

Боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини оширишда таълим тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган молиялаштириш жараёни устувор аҳамият касб этади. Бу борада таълим тизимини молиялаштириш асосини бозор омиллари таъсирига мувофиқлаштириш, молиялаштиришни амал қилиш механизмини такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар интеграциясини таъминлаш талаб этилади. Айниқса, бу борада маълум устуворликлар касб этган ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таълим хизматлари бозорини шакллантириш моделига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. АҚШда мактабгача таълим муассасалари:

- давлат мактабгача таълим муассасалари;
- коллеж, университетлар қошидаги мактабгача таълим муассасалари;
- хусусий мактабгача таълим муассасалари;
- болалар марказлари;
- ривожланиш гуруҳига асосланган мактабгача таълим муассасалари;
- черков ва миллий жамоалардаги мактабгача таълим муассасаларидан иборат.

АҚШда мактабгача таълим ёши ихтиёрий ҳисобланиб, ота-оналар ўз фарзандларини 3-5 ёшда қайси таълим муассасасига юборишларини ўзлари

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БАНК ИШИ КАФЕДРАСИ

УЎК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50')

Такризчилар: и.ф.д., проф. Ш.З.Абдуллаева,
и.ф.н., доц. И.Х.Рахманов

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-F-сонли фармойишининг ижросини таъминлаш бўйича **“Глобаллашув шароитида банк ва молия тизими барқарорлигини таъминлаш масалалари”** мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами—Т.: ТМИ., 2022. —854 б.

и.ф.д., проф. Т.З.Тешабаевнинг умумий раҳбарлиги остида

Таҳрир хайъати аъзолари: проф.С.Мехмонов, А.Исламкулов, проф.А.Омонов, доц.У.Абдуллаев, доц.Ф.Холмаматов, доц. И.Жўраев, PhD Х.Тиллаев, А.Рахматов, Б.Максудов.

Мазкур илмий маъруза тезислари тўпламида мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар, тажрибали амалиётчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг етакчи илмий ходимлари, таянч докторант ва мустақил изланувчи ҳамда магистрларнинг илмий тадқиқот иши натижалари мужассамлашган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир хайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

УЎК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50')